

ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги
хузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги
в.б. директори



Т.Э. Ўлжаев
2020 йил 29 май

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ РЕГЛАМЕНТИ

(Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси
агентлиги)

1. Хизмат тавсифи (паспорт маълумотлари)

1.1. Хизмат тури

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ТУЭК гувоҳномаси

1.2. Хизмат натижаси

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ТУЭК гувоҳномасини бериш (бундан
буён матнда ТУЭК гувоҳномаси)

ТУЭК гувоҳномаси бериш тартиби Дававианазорат бошлиғининг № 167 сон 2007 йил
15 ноябрдаги буйруғига мувофиқ тасдиқланган «Фуқаро авиацияси
авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссиясини тайинлаш тартиби
тўғрисидаги низом» талабларига мувофиқ ўрнатилган.

1.3. Хизмат кўрсатувчи органлар ва бланкаларни олиш жойлари

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиацияси
агентлиги («Ўзавиация» агентлиги) (Авиация тиббиёти бўлими), Агентства сайти
www.uzcaa.uz, E-mail: caa@uzcaa.uz

1.4. Ҳуқуқий асослар

1. Ҳаво кодексининг 49 моддаси
2. Дававианазорат бошлиғининг № 167 сон 2007 йил 15 ноябрдаги буйруғига
мувофиқ тасдиқланган «Фуқаро авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт
комиссиясини тайинлаш тартиби тўғрисидаги Низом».

1.5. Хизматни олувчилар

Хизматни олувчи фуқаро авиацияси авиакорхонасида ташкил этилаётган тиббий-
учиш эксперт комиссияси бўлиши мумкин.

1.6. Расмий сўроқ бериш муддати

Белгиланмаган

1.7. Расмий сўроқ бериш муддатига риоя қилмаслик оқибатларини кўрсатиш Кўлланилмайди

1.8. Бажарилиш муддати

Ариза рўйхатдан ўтгандан бошлаб то ТУЭК гувоҳномасини беришгача бўлган вақт - 20 иш куни.

1.9. Тасдиқ бериш муддати

Қўлланилмайди

2. Хизмат олувчилик маълумот бериш

2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми

Мурожаат қилган ҳар бир шахсга ТУЭК гувоҳномасини бериш тартиби ҳақидаги маълумот бериш, шу билан бирга Агентлик сайтидан - www.uzcaa.uz. керакли маълумотларни тортиб олиш имконияти кафолатланади

2.2. Кенг қамровли маълумот

ТУЭК гувоҳномасини бериш тартиби ҳақидаги маълумот тақдим қилиш Агентлик веб-сайти - www.uzcaa.uz. орқали амалга оширилади.

2.3. Расмий сўроқ бериш бўйича маълумот

ТУЭК гувоҳномасини бериш тартиби ҳақидаги оғзаки маълумот 9-00 дан 17-00 гача 71 254-62-94 телефони орқали; факс бўйича 255-53-37 орқали сутка давомида қабул қилинади; ёзма равишда расмий сўроқ қабул қилиш, расмий сўроқ бўйича ёзма ҳужжатларни қабул қилиш ва бериш соат 9-00 дан 18-00 гача Агентлик девонхонасида амалга оширилади. Ёзма расмий сўроқ medik@uzcaa.uz ёки caa@uzcaa.uz электрон почтаси орқали сутка давомида қабул қилинади.

2.4. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида маълумот

Агентлик манзили: 100015, Тошкент ш., Нукус кўчаси 73-б.
Ориентир – Миробод дехқон бозори рўпарасида

2.5. Ҳужжатлардаги фойдаланиладиган бланклар (шакллар)

Ариза ва ТУЭК гувоҳномасини шакллари Дававианазорат бошлигининг № 167 сон 2007 йил 15 ноябрдаги буйруғига мувофиқ тасдиқланган “Фуқаро авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссиясини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом»да белгиланган.

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Агентлик иш вақти шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари, ҳар куни 9-00 дан 18-00 гача

3.2. Кутиш шартлари

Қўлланилмайди

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур ҳужжатлар

“Фуқаро авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссиясини тайинлаш

тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ хужожатлар тўплами билан ТУЭК гувоҳномасини олиш учун ариза.

4.2. Хизмат тўловлари.

Хизмат белупул

4.3. Давлат хизматларини кўрсатиш босқичлари

Агентлик сайтида www.uzcaa.uz кетма-кетлиқда «З бош блок – норматив-хуқуқий актлар»ни, сўнгра “Фуқаро авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссиясини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом» ЎР АҚ – 68ни чақирасиз. Положением установлены следующие этапы:

ТУЭК тайинлаш тартиби қўйидаги босқичлардан иборат:

а) ариза берувчи томонидан зарур хужожатлар тўпламини илова қилган ҳолда ариза тақдим этиш;

б) аризанинг қабул қилиш ва мазкур Низом талабларига мувофиқ ариза берувчини текширувдан ўтказиш бўйича ишларни амалга ошириш;

в) инспекция текшируви натижаларини таҳлил қилиш ва гувоҳнома бериш ёки гувоҳнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

г) гувоҳномани расмийлаштириш, рўйхатдан ўтказиш ва бериш ёки гувоҳнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Тайинлашнинг ҳар бири ижобий натижага берсагина, кейинги босқичга ўтилиши керак.

4.4. Давлат хизматларини кўрсатишни ички идоравий тартиби

Агентлик девонхонасида Аризани қабул қилиша → Аризани Агентлик директорига виза қўйиш учун бериш → Агентлик АТБга Аризани бериш → ЎР АҚ – 68 асосида Аризани қўриб чиқиш → ариза берувчини текширувдан ўтказиш → ТУЭК гувоҳномасини бериш ёки беришни рад этиш ҳақида ариза берувчига ёзма хат жўнатиш

4.5. Рад этиш асослари

“Фуқаро авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссиясини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом” талабларига риоя қилмаслик ТУЭК гувоҳномасини беришни рад этишга асос бўлади.

5. Сифатини таъминлаш

5.1. Сифат турлари

Кўлланилмайди.

ТУЭК гувоҳномасини бериш хизмати кенг қамровдаги хизмат олувчиларга тегишли эмас (маълумот учун, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида фақат биргина гувоҳнома эгаси бор).

5.2. Сифатсиз хизматдан сабабли шикоят аризасини бериш

Хизмат олувчи ТУЭК гувоҳномасини бериш рад этилганда, сифатсиз хизмат кўрсатилганда ёки Агентлик мансабдор шахсининг ҳаракатига (фаолиятсизлигига) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда:

- шахсий мурожаат;
- хат;
- электрон почта орқали шикоят бериши мумкин.

Давлат хизматини тақдим қилиш схемаси
(Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида ТУЭК гувоҳномасини бериш)

Агентлик веб-сайтига

www.uzcaa.uz.

кириш

“З бош блок – норматив-хуқуқий актлар”га кириб, “Фуқаро авиацияси
авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссиясини тайинлаш тартиби тўғрисидаги
низом» ЎР АҚ – 68 билан танишиб чиқиш

“Бош – НҲҲ – бланк шакллари” бўлимига кириб ариза шаклини тортиб олиб,
расмийлаштирилади, аризага “Фуқаро авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш
эксперт комиссиясини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом»да кўрсатилган далилий
хужжатлар илова қилинади.

Ариза, “Фуқаро авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссиясини
тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом»да кўрсатилган далилий хужжатлар билан бирга
Агентликка тақдим қилинади

Ариза қайд қилиб
қабул қилинади

Ариза ва далилий хужжатлар “Фуқаро авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш
эксперт комиссиясини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ кўриб
чиқилади.

Ариза берувчини ЎР АҚ – 68 га
мувофиқлигига текширув ўтказилади

ТУЭК гувоҳномаси берилади ёки
беришни рад этиш ҳақида ариза
берувчига ёзма хат жўнатилади

Ўзбекистон Республикаси
фукаро авиацияси авиакорхоналарида
тиббий-учиш эксперт комиссиясини
тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги ҳузуридаги
авиация Агентлиги

**Авиация ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича тиббий фаолиятни
амалга ошириш учун тиббий-учиш эксперт комиссиясини
тайинлашни ўтказиш учун
АРИЗА**

(ТУЭК номи)

юридик манзили: _____

телефон _____ Факс _____
номидан

(раҳбарнинг лавозими, Ф.И.О.)

авиация ходимларининг амалдаги норматив талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш учун
тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича тиббий фаолиятни амалга ошириш учун ТУЭК
тайинлашни сўрайди.

ТУЭК фаолиятига қўйиладиган барча шартлар ва талабларни бажаришни ўз зиммамга оламан.

ТУЭК тайинлаш керак бўлган ТУЭК фаолияти доирасининг тавсифи:

Кўшимча маълумотлар _____

Куйидаги зарур хужжатлар илова қилинади:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
6. _____

Рахбар _____
(имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.